

М. ЮНУСХҮЖАЕВА, У. МИРИСМОИЛОВА

ТОШКЕНТ тариҳига оид ҳужжатлар

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси
Абу Райхон Беруний иомидаги Шарқшунослик
институти

М.Диусохұаева, У.Мирисмолова

Ташкент тарихыга
сабд
хужжатлар

Ташкент
Ўзбекистон ССР "Фан" нағарбети
1983

Брошюрада Ташкенттагы XIX асрдаги социал-иқтисодик
жәғти, Ташкенттегі махалла ва мавзеларнинг ўтмиштаги ва
хозирги жойлашин үрни қиёслаб күрсатиб берилган.

Рисода көнг китобхонлар оммасыга мұлжалланған.

Масъул мухаррир:
тарих ғандари доктори
Б.А.Ахмедов

Тақризчилар
тарих ғандари кандидатлари:
Т.А.Файзиева, Ҳ.Д.Содиков

D 0505040000 - 250I рез. 83.
M355(04) - 83

© Ўзбекистон ССР "Фан" науриёти, 1983 й.

КИРИШ

Гузал шаҳримиз Тошкент ўзининг қадимий тарихига эга. Бу тарих бевосита Ўрта Осиё халқлари тарихи билан узвий босглиқдир. Ўлкамизнинг тарихи ва маданиятида шарқу гарбга машхур шаҳарларимиз қаторида Тошкентнинг ўрни бетакор. Шарқу гарбни бир=бирига бөгловчи қадимий ипак йўлида жойлашган шаҳарлардан бири бўлган Тошкент жаҳоннинг қатор халқлари, мамлакатлари ўртасидаги алоқаларда фаол иштирок килди, шунингдек, моддий, маънавий маданият намуналари яратишда ўз ҳиссасини қўши. Археологик қазишмаларда, Ўрта Осиё тарихига оид қўлёзмаларда, ўтган асрларда яшаб ижод этган слимларнинг асарларида Тошкент ўз аксини топди. Шунинг учун ҳам академик В.Б.Бартольд: "Ўтмишнинг жонсиз даракчилари - хоҳ кундалик рӯзгор буюмлари бўлсин, хоҳ расмий ёзма ҳуҗжатлар бўлсин, хоҳ турли ёзувлар, танга-чачалар бўлсин - булар мазкур мамлакат тарихини чукур ўрганишда буюк роль ўйнашини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак"¹, - деб айтганида тамомила ҳақ эди. Тошкент ҳақида ўрта аср тарихнавислари ажойиб маълумотлар ёзиб қолдирғанлар².

¹ Бартольд В.В. Об одном уйгурском документе. т.8. М., 1973, с.118.

² Мухаммад Юсуф Мунши. Муқим - ханская история (перевод А.А.Семенова), Ташкент, 1956, с.58,87,100; Мир Мухаммад Амин=и Бухари. Убайдулланаме (перевод А.А.Семенова). Ташкент, 1957, с.55,163; Заҳириддин Мұхаммад Бобир. Бобирнама. Ташкент, 1958; Абу Рейхан Беруни. Избранные произведения, т.II, Индия, Ташкент, 1963, с.271 (текот и прим. 10); Маҳмуд Кошгари. Туркий сўзлар девони, I-том. Тошкент, 1960, 414-бет; Восифий, (Бадоеъ ул-вақое (ХУ аср), инв.2129. Мұхаммад Солих. Тарихи жадидайи Тошканд, Ўз ФАШИ, қўлёзма № 1116. Бенайи "Шайбонинаме", рук. ИВ АН УзССР № 844; Фазлаллах ибн Рузбихан. Михманнамеи Бухара. М., 1976; Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география). Вступления, перевод, примечания, указатели Б.А. Ахмедова. Ташкент, 1977, с.56,76,88.

Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан калгари яшаган рус авторлари ўзларининг қатор асарларида Тошкент тарихининг баъзи томонларини ёритганлар. Уларнинг амрим асарлари Тошкент тарихига оид бўлган. Шумладан, М.А. Терентьевнинг³ томлик асари³, А.П. Субботиннинг XIX аср ўрталари ва II ярмида Тошкентнинг савдо алоқаларига оид илмий асари⁴ муҳим аҳамиятга эга. А.П. Демидов⁵, В.Н. Павлов⁶, П.И. Пашино⁷, А.И. Добросмислов⁸, П.А. Маев⁹, Хорошчин¹⁰, И.И. Гейер¹¹ каби олимларнинг асарлари ва мақолаларида Тошкентнинг сиёсий, иктисадий ва маданий ҳаётининг баъзи томонлари ёритилган.

XIX асрда Тошкентда яшаган шарқшунос олим, тарихнавис Муҳаммад Салиҳ Тошкент тарихига оид асар ёзган¹². Мазкур асарда Тошкентнинг географияси, топонимикаси, маҳалла, мавзе, масжид, бозор, мадрасалари ҳамда 12 дарвозаси тўғрисида қизиқарли маълумстлар берилган.

Совет тарихчиларининг Тошкент тарихига багишланган асарлари орасида В.В. Бартольд¹³, М.Е. Массон¹⁴, М.Г. Вахо-

³ Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. С картами и шкалами, т. I-3. СПб., 1906.

⁴ Субботин А.П. Россия и Англия на Среднеазиатских рынках. Историко-экономический этюд. СПб., 1885.

⁵ Демидов А.П. Экономический очерк хлопководства. М., 1926.

⁶ Павлов Н. История Туркестана, Ташкент, 1910.

⁷ Пашино П.И. Туркестанский край в 1886 году, СПб., 1868.

⁸ Добросмислов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк, Ташкент, 1912.

⁹ Маев Н.А. Азиатский Ташкент. СПб., 1876; Он же. Русский Ташкент, 1894.

¹⁰ Хорошчин. Очерк Ташкента. - Русский инвалид. 1867, № 113.

¹¹ Гейер И.И. Кустарные промыслы в Ташкенте. - Русский Туркестан. 1902, № 192.

¹² Муҳаммад Салиҳ Қоражӯҳа ўғли Тошкандий. Тарих-и жадидати Тошканд, ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти кўлёзмалар фонди. инв.5732.

¹³ Бартольд В.В. Соч. т.3, с.219; Там же, т.1. с.228.

¹⁴ Массон М.Е. Прошлое Ташкента. - Изв. АН УзССР, 1954, № 2,

5

бов¹⁵, Ф.Озодаев¹⁶, В.А.Шишкининг¹⁷ фактларга бой асарлари диккатта сазовордир. Тошкент тарихига оид айrim маълумотлар "Ўзбекистон ССР тарихи" китобида ҳам келтирилган¹⁸.

Рус тарихчилари, сайёхлари, шунингдек, А.А.Диваев, В.А.Каллаур, Н.П.Сстроумовлар¹⁹ Тошкентта оид хужжатлар билан қизиқсанлар ва ўзлари ҳам асарлар чоп әтганлар.

Тошкент тарихига оид хужжатлар Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивининг турли фондларида сакланмоқда²⁰. Хужжатлар Тошкентнинг микротопонимикасини ўрганишда мухим манба хисобланади.

Маълумки, XIX асрда Тошкент маҳалла ва мавзелари ҳақида бир неча маколалар чоп әтилган. Улардан Н.А.Маевнинг

¹⁵ Вахабов М.Г. Ташкент в период трёх революций, Ташкент, 1957.

¹⁶ Озодаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар, Тошкент, 1960.

¹⁷ Шишкин В.А. Города Узбекистана. Ташкент, 1943.

¹⁸ Ўзбекистон ССР тарихи, I-том, Ташкент, 1967.

¹⁹ Диваев А.А. Документы на освобождение невольников (перевод с персидского). Сб. материалов для статистики Сыр-Даринской области. т.2, 1892, с.32-33. Каллаур В.А. Грамоты (ярлыки) и приказы кокандских ханов и Ташкентского Хакима, известному Кыдralы Нуракову); Сстроумов Н.П. Последние по времена Шейхуль-Ислам и Кази-Калян г.Ташкента, братья Айходжа. ПТКЛА XX, 1915, с.II-14; Йунин Б.В. История изучения прошлого и настоящего города Ташкента. - Общественные науки в Узбекистане. 1981, № 12, с.5; Мукминова Р.Г. Из истории позднесредневекового Ташкента. Общественные науки в Узбекистане, 1981, № II, с.30-44; Уша автор. "Ёдномада тикланса тарих", "Фан ва турмуш" журнали, 8-сон 1982 йил.

²⁰ Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архиви. 363-фонд-Бешёғоч даҳа қози маҳкамаси хужжатлари, 364-фонд-Кўкча даҳа қози маҳкамаси хужжатлари, 365-фонд-Себзор даҳа қози маҳкамаси хужжатлари, 366-фонд-Шайхонтоҳур даҳа қози маҳкамаси хужжатлари, 164-фонд-Тошкент қози қалони маҳкамаси хужжатлари, 362-фонд-Қозилар съезди хужжатлари.

"Азиатский Ташкент"²¹, Н.С.Ликсшининг "Полжизни в Туркестане"²², Н.Г.Маллицкийнинг "Ташкент"²³ ва "Ташкентские махалля и мауза"²⁴, В.А.Шишкунинг "О названиях Ташкентских махалля"²⁵ номли мақола ва асарлари шулар жумласидандир. Булар орасида Н.Г.Маллицкийнинг "Ташкент махаллалари" ҳақидаги мақоласи алсоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу мақола шахсан Н.Г.Маллицкий томсидан тўпланган материаллар ва даҳа ҳокимлари ҳамда махалла мингбошиларидан олинган ахборот асосида тузилган. Мазкур мақолада 4 даҳадаги махаллаларнинг ўтмишдаги номлари тўлиқ берилган.

Улуг Октябрь социалистик революцияси галабасидан кейин Ташкент шаҳри тарихида янги саҳифа очилди.

СССР ҳалқларининг дўстлиги 1966 йилдаги зилзила натижасида вайрон бўлган эски уйлар ўрнида янги муҳташам бинолар барпо этишда яққол намён бўлди. Ҳозирги кунда Ташкент Шарқнинг энг йирик иқтисодий, сиёсий, маданий ва илмий марказларидан бирига айланди, шаҳар қиёфаси мислсиз дараҷада ўзгарди. Янги, замонавий муҳташам бинолар, маъмурий ва маданий муассасалар, гўзал хиёбонлар, янги махаллалар вужудга келди.

Х Х

Х

Ўрта Осиёning энг қадимий ва йирик шаҳарларидан бири бўлган Ташкент ўзининг 2000 йиллик тарихида жуда кўп жангутадалларни бошидан кечирган. Ички ўзаро феодал урушлари ва ташкаридан килингая истилолар натижасида шаҳар вайрон бўларди. Ташкентнинг географик ўрни ва савдо-сотиқ соҳасидаги мавқеи хорижий ҳукмдорларни қизиқтириб келган. Бинобарин

²¹ Маев Н.А. Азиатский Ташкент. В сб. "Материалы для статистики Туркестанского края". Вып. IУ, 1876.

²² Ликшин Н.С. Полжизни в Туркестане, 1890.

²³ Маллицкий Н.Г. Ташкент. "Известия Ташкентской городской думы", 1916, № I.

²⁴ Он же. Ташкентские махалля и мауза. Из работ восточно-го факультета Ср.Азиатского Гос.Университета, Ташкент, 1927.

²⁵ Шишkin V.A. О названиях Ташкентских махалля. - Бюлле-тень Ташкентского Новогородского исполкома, 1925, № I.

Тошкент кўлдан-кўлга тез-тез ўтиб турган.

Тошкент даҳалари²⁶ ҳакида гапиргандада шуни алоҳида айтиш керакки, Тошкентнинг даҳаларга бўлиниш сабаби юкорида айтиб ўтилган ўзаро ички феодал низолардан келиб чиқкан маъмурӣ бўлиниш эди.

Тарихий манбаларда берилган маълумотларга кўра, XУШ асрнинг ўрталарига келиб Тошкент Себзор, Кўкча, Бешёғоч ва Шайхонтохур даҳаларига бўлинган. Мазкур даҳаларнинг ҳар бирида ўзининг мустақил ҳокими бўлган. Бинобарин, Тошкент тарихида бу даврни тўрт ҳокимлик даври деб аталади. Ҳар бир даҳанинг чегараси бўлган. Чегараланиш ассан шаҳар ўртасидаги бозордан бошланган. Шаҳар бозори эса барча даҳалар учун умумий бўлган. Бинобарин, ҳар бир даҳа шаҳар ичидаги чегарага тааллукли гузар ва маҳаллалардан ташқари, шаҳар ташқарисидаги мавзеларни ҳам ўз ичига олган.

Тошкент тарихига доир манбаларга кўра, XУШ асрнинг ўрталарида Тошкентда 154 та маҳалла ва гузар бўлган. 40 га яқин маҳалла ва гузар тоҷикча ном билан аталган. Масалан, Пуштиҳамом, Падаркуш, йангоҳ, Дегрез, Говкуш ва ҳоказо. Ўнлаб маҳалла ва гузарларга шахс номлари ҳамда маъносини ифодалаш қийин бўлган номлар берилган. Масалан: Бадирбой, Зангита, Сақичмон, Чалмак ва ҳоказо. Ўзга яқин маҳалла ва гузарга Корёғди, Темирчи, йаркӯча, Табибкӯча, Тақачи каби номлар берилган.

Айни вақтда, шаҳар ташқарисида 175 га яқин мавзе бўлган. Дархон, Ҳасанбой, Чимбой, Шофайзиқулсөн, Қурбақаобод, Миробод, Мингўрик, Ялонғеч ва Дамариқлар шулар жумласидандир. Мазкур мавзеларда шаҳар ҳалқининг боялари, экин майдонлари бўлган. Бинобарин, мавзелар ҳам шаҳар даҳалари ўртасида табиий равишда тақсимланган. Масалан, Шайхонтохур даҳасига 37 маҳалла ва 31 мавзе, Себзор даҳасига 38 маҳалла ва 43 мавзе, Кўкча даҳасига 37 маҳалла ва 31 мавзе, Бешёғоч даҳасига 42 маҳалла ва 29 мавзе кирган.

Тошкентнинг шаҳар маҳалла ва гузарлари сони ҳакида шуни айтиш лозимки, 1865 йилда Тошкент Россия импе-

²⁶ Даҳа-маъмурӣ территорииал бўлиниш.

6

рияси составига күшилгандан кейин шаҳар девор ва дарвозалари ўзининг аввалги аҳамиятини йўқота борган. Ва ечҳоят шаҳар халқи шаҳар ташқарисига чиқиб, ўзига иморат қуриб жойлаша бослаган. Натижада шаҳар кенгайиб, янги маҳалла ва гузарлар вуждуга кела бошлаган. XIX асрнинг охирига келиб, Тошкентдаги маҳалла ва гузарлар сони 200 дан ошган²⁷.

Шайхонтохур даҳасидаги маҳаллалар: Сқмасжид, Олмазор, Срқакӯча, Баландмасжид, Гевкуш, Дархон, Дегрез, Йангоҳ, Йарқӯча, Қозиқӯча, Мерғанча, Падаркуш, Ҳадра, Шайхонтохур, Шуртепа. Мавзелар; Ҷўзарик, Сқўргон, Дархон ариқ, Қўшчи, Мингўрик, Мирсбод, Сарипул, Шуртепа, Йлонгоч, Шивли ва ҳоказо.

Себзор даҳасидаги маҳаллалар: Охунгузар, Эскижўва, Қозиқӯча, Қорасарсий, Қоратут, Қумлок, Лабзак, Парчабоғ, Пуштиҳаммом, Тарнсъобоши, Тахтапул, Тешикқопкоқ, Чувалачи. Мавзелар: Алвастикўприк, Стчопар, Гуручариқ, Закотхона, Йиуссобод, Ёварик ва ҳоказо.

Бемёғоч даҳасидаги маҳаллалар: Арпапса, Гуруч бозор, Эшонгузар, Қоратош, Қўкмасжид, Ўқчи, Чакар, Гишт кўприк. Мавзелар: Зах, Зангиста, Қозировот, Қатортол, Ракат, Үрикзор, Чилсанзор, Чўпонста.

Шаҳарнинг гарбий қисмига жойлашган Кўкча даҳаси гарб томондан Назарбеккача (Назарбек қисман шу даҳа составига кирган), жануби-гарбий томондан Самарқанд дарбозасигача, шимсли-шарқдан Тахтапул-Лабзаккача бўлган майдонни ўз ичиға слган .

28

Кўкча даҳаси маҳаллалари: Обиназир, Айрилаш, Оқлон, Оқ тепа, Бёдабозор, Гузарбоши, Ҷаманбоши, Ишқобод, Қозоқбозор, Қозиқӯча, Каллахона, Коракиёқ, Кесакўргон, Қалбелбоқ, Қўштут, Кўкча, Кўнчилик, Лангар, Мисгарлик, Подахона, Пичоқчилик, Сақичмон, Сархумдон, Торкӯча, Тўклижаллоб, Ўзганд, Үрикзор, Ҳалимкуфт, Ҳонқоҳ, Хотин масжид, Ҳофиз

²⁷ Малликий Н.Г., Ташкентские махалля и маузы, Ташкент, 1927, с.7-16.

²⁸ Қадамги Кўкча даҳасининг майдони ҳозир тахминан "Октябрь" ва "Ақмал" Икромов" районлари териториясидаги.

Күйки, Хиёбон, Чигатай чақар, Чақар, Чукур қышлоқ, Сарнишин тела, Шайх Зайниддин бобо. Мавзелар: Оқтепа, Ачаобод (Ачавәд), Бегсөйт, Бешқайрағоч, Нодиржонқулов, Тахтакүприк, Тұя тортар, Тошлиқ тела (Чш тела), Ічтепа, Хотинқүприк, Чимбай, Шефайзиқулов әуәзі.

Юқорида қайд қилинганидек, XIX асрнинг ўрталарида Тошкент Ссиёning бошқа шаҳарлари сингари феодал шаҳар эди. Ахолисининг аксарият қисми ҳунармандчилик, савдо-сотик ва деҳқончилик билан шугулланған. Ҳунармандлар асосан маҳаллалар бүйіча іктисслашған. Іасалан, пичокчилік, дегрезлик, мискарлик сингари маҳалла комлари шу зайлда вүјудга келған. 1868 йылғи маълумотларға күра, Схунгузар, Парчабосф әуәзі маҳаллаларининг ахолиси савдо-сотик ва ҳунармандчилик билан машғул бўлган. Тахтапул, Себзор, Лабзак, Қорасарий ахолиси асосан деҳқончилик билан шугулланған. Шайхонтохур даҳасида мискарлао, этарчилар, тикувчилар, жувозкашлар; Себзор даҳасида бўёқчилар, тикувчилар, этикдўзлар; Бешёғсч атроғларида эса гишт қуқвчилар яшаган. Шаҳар ахолисининг қўпчилиги қишлоқ хўжалиги, бөғдорчилик, полизчилик, галлаксерлик билан шугулланған.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг Россия империяси составига қўшилиши шаҳарнинг ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Оренбург – Закаспий темир йўли қурилиши натижасида Тошкентнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

XX аср бошларига келиб, ўлкада пахтачилик ривожланиши натижасида бир қатор енгил саноат корхоналари қурилди. Бу ўз наубатида товар-дул муносабатларини ривожлантириди ва бунга қўшимча ўларск аҳоли сонининг ортиши натижасида Тошкент атроғида әкин майдонлари кенгайди, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари билан савдо қилиш ўсди. Архив материалларига кўра, шаҳар ва унинг атроғида айrim маҳалла ёки даха ахолисига тегишли жамоа ерлари Чала, Конкус, Қорасув бўлган.

Хозирги кунда шаҳримиз жамоли йил сайин әмас, балки кун сайин ўзгариб, гўзаллашиб бормоқда. Қадимги пастқам, тор, эгри-буғри "жин" кўчалар ўрнида замонавий кенг проспектлар, пласиз қурилган кулбалар ўрнида замонавий, ос-

Монўпар бинолар қад кўтармоқда.

Айниқса, 1966 йил апрель сийда Тошкентда содир бўлган кучли зилзила натижасида шаҳарнинг эски шаҳар қисмида жойлашган кўпгина уй-жойлар бузилиб, яшаш учун яроқсиз ҳолга келиб қолди. Партия ва хукуматимизнингсталарча гамхўрлиги туғайли мазкур уйлар, маҳаллалар ўринида янги, қулай, шинам уй-жойлар, аҳоли тураржой массивлари бунёд этилди. Натижада уларнинг эски исмлари йўқолиб, янги номлар билан атала бошланди. Шу муносабат билан кўлёзма ва хужжатларда қайд қилинган Лангар кўчаси ва маҳалласи эндиликда Марказ-27, Лабзак кўчаси, Шарқӯча – Марказ-13, Марказ-15, Катта ҳовуз, Айрилиш маҳаллалари эса Марказ-26, Обиназир – Марказ 27 номи билан аталади. Тошкентнинг чекка мавзеи ҳисобланган Назарбек ва Бешқайрагочда обод, кўркам тураржой массивлари бунёд этилган. Аммо тарихий жойлар номи борган сари унутиб юборилмоқда. Бу ҳақда ҳатто газеталарда мақолалар ҳам чоп этилди²⁹. Ҳақиқатан, пойтактимизнинг тарихи учун мұхим бўлган Қашқар маҳалла, Оқлон, Чорсу, Лабзак, Ўрда, Ҳадра, Кўкча, Самарқанд дарбоза, Эскижўва, Кўштут, Дарҳоҳ, Чакар, Бешёғоч каби номлар сақланмоги кераж. Бу борада архив ва кўлёзма фонdlарида сақланниб келаётган ҳужжатларнинг аҳамияти катта. Чунончи, Шарқшунослик институти фондида сақданаётган инв.636I номерли ҳужжатлар тўплами Тошкент шаҳар Кўкча даҳа қозихонаси маҳкамасида тузилган ва "Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасининг қозиси мулло Боймирзо ибн Мирзо Оғаликнинг васиқаларини қайд қилувчи дафтар" деб аталган. Бу тўплам 497 ҳужжатни ўз ичига олган, араб графикаси билан ўзбек тилида, 30 ҳужжат форс тилида ёзилган. Институт томонидан 1945 йилда сотиб олинган ҳужжатлар 1887 йилга сид. Шунингдек, Марказий Давлат архивида сақданаётган фонд 365 оп. I. дело 2 даги Себзор даҳасига сид ҳужжатларда қайд қилинган маҳалла ва мавзелар номи шаҳар микротопономикасини ўрганиш борасида қимматли материал ҳисобланади. Бу тўпламдаги

²⁹ "Исми ҳисмига монанд бўлсин", "Тошкент оқшоми" газетаси, 18 май 1983 йил.

хужжатларда шаҳарнинг бошқа маҳаллалари... номлари ҳам кўплаб учрайди. Чунки шу даҳада яшовчи кишилар бошқа маҳаллалардан ер ва уй-кой . . . сотиб олганлар. Бу хужжатлар Тошкент шаҳрининг ўша даврдаги иқтисодий, сиёсий ҳаётининг турли томонларини кўрсатувчи манба бўлиб, байи бот³⁰ - олди-сотти васиқалари, байи жойиз³¹ - гаров васиқалари, иқрор-хатлар³², ибро-хати³³, мерссга оид хужжатлар, ривоятлар ва ҳоказо. Хужжатларда Тошкент аҳолиси, хусусан Кўкча даҳасида яшаган аҳолининг аҳволи, ҳаёти, касб-хунари ҳақида маълумотлар бор. Айниқса, социал масалага оид хужжатлар диққатимизни жалб этади. Чунки улар орқали биз, бир томондан, ер ва уй-койни айрим бой, цулдор амалдорлар қўлида йигилиб боришини, жамланишининг шоҳиди бўлсак, иккинчи томондан, оддий аҳолининг турмуши оғир бўлиб, қарз эвазига ер ва уйини сотиб, бошпанасиз қолганини кўрамиз. Масалан, тошкентлий бойлардан Салимбой ибн Раҳимбой Каллахона маҳалласида яшаган ва бошқа ердан кўплаб уй-жойлар сотиб олган.

Тошкент тарихини ўрганишда Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивининг I64 фондидаги сақланадиган "Гошкент қози калони" номли фонд ҳамда "Себзор даҳасининг қозиси Муҳаммад Муҳиддинхўжа эшон ибн Ҳакимхўжа эшон қози калонга тегишли (фонд № 365) хужжатлари муҳим аҳамиятга эга. Муҳаммад Муҳиддинхўжа қози архив материалларининг шоҳидлик бернича, ўз даврининг илғор кишиларидан ҳисобланган. Бу ҳол ўз навбатида ушбу даҳа қозихона маҳкамаси хужжатларининг тартибли бўлишини таъминлаган³⁴.

³⁰ Байи бот - олди-сотди хужжатлари. Бундай байи узил-кеслил ва қатъий ҳисобланади.

³¹ Аслида гаров васиқаси бўлиб, тўлиқ бўлмаган олди-сотди маъносидаги хужжатдир.

³² Иқрор-хати- тан олиш, иқрор қилиш.

³³ Ибро-даъводан воз кечиш, яъни келишиш, турли келишмовчиликни ўзаро келишиш йўли билан бартараф қилиш маъносида.

³⁴ Остроумов Н.П. Сарты. Этнографический материал. Вып I. Ташкент, 1890, с.73; Туркестанские ведомости, 1902, № 43.

Мазкур 164 фонд ЗСС дар ортиқ ҳужжатни ўз ичиға олган. Ҳужжатлар ўзбек ва форс тилларида араб графикаси билан ёзилған. Бу фондда турли амалларга - садр, аълам, қозилик давозимларига тайинлаш тұғрисидаги ҳужжатлар, Туркистан генерал-губернаторининг Тошкент қозилари билан ёзишмалари, Мұхаммад Мұхиддинхұжа қозига тегишли ҳужжатлар мавжуд. Булар срасида қозининг олди-сөтди масалаларига оид, унинг ўз ерларини деңқонларга ижарага берганлиги тұғрисидаги ҳужжатлар бор.

Мазкур ҳужжатларнинг далолат беришича, қози Мұхиддин ўз хусусий ер-мұлкини турлы йүллар билан олиб-сотиши, уларни деңқонларга ижарага бериш билан көнгайтирган. Ўз мұлкини көнгайтириш мақсадида қози ҳатто вакф ерларини сотиб олишдан ҳам қайтмаган. Чунончы, 1291 (1873-74) йилда 600 тиллага вакф ерларини сотиб олған³⁵. Ҳужжатлар маълумотига күра, қози Мұхиддиннинг Тошкентнинг турли маҳалла ва мавзеларыда, чунончы Тиконли мозор (Тошкентдан ташкаридағы мавзе), Қызыл құргон мавзеларыда ҳамда Срқакұча, Қозықұча, Сархұмдан каби маҳаллаларда катта-катта ерлари, хөсли-жойлари бўлган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, у үзининг ерларини корандаларга ижарага берган. Чунончы, Тиконли мозор мавзедаги ер майдонини 32 корандага йилига 10 ботмаси бугдой ва 5 ботмон таріқ әвазига ижарага берган³⁶.

Ёки Гойиббай Ақбархұжа ўғли шоҳидлигига күра, у қози Мұхиддиннинг Қызилқұргон мавзейдаги бир бўлак ерини 25 сүм әвазига 7 ой муддат билан ижарага олған³⁷. Шу билан бирга, ҳужжатларда учраган маҳалла, жойларнинг номлари чуқурроқ текширилса, уларнинг лугавий маъноси нақадар бой әканлиги күзга ташланади ва булар тилшунослар учун қизиқарли материал ҳисобланади. Масалан, Чакар, Чорсу, Ҳадра, Дархон, Сагбон ва ҳоказо.

Чорсу, Тошкентнинг Чорсуси ҳаммага маълум. Бу маълумоннинг номи форс-төзик тилига хос бўлиб, чор-тўрт, су-томо.

³⁵ Узбекистон Марказий Давлат архиви. Фонд I64, оп.І, дело II.

³⁶ УзССР Марказий Давлат архиви. ф.I64, оп.І, д.8, л.2.

³⁷ Там же, ф.I64, оп.І, д.8, л.8.

Яъни тўрт томон деган маънени билдиради. Бу тушунча шартли бўлиб, тўртта кўчанинг кесишган жойигина эмас, балки иккита, учта, бешта, слтита, еттига кўчанинг кесишган жойи ҳам чорсу дейилган. Одатда, чорсулар катта бозсрларнинг бошланиш жайида бўлган. Бундай жайларда савдо расталари, косибларнинг дўконлари жойлашган. Ўтмишда Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Бухорс, Хива, Кўкон, Ташкент ва бошқа шаҳарлардаги чорсулар йирик бозорларнинг бошланиш жайи, улкан савдо марказлари ҳисобланган.

Хадра сўзининг маъноси хусусида ҳам турли мулоҳазалар мавжуд. Аслида Ҳадра, яъни ҳад – чет, чегара, тугаган жой, роҳ – йўл, кўчани англатган бўлиб, йўл, кўчанинг тугаган ёки бошланган жойи маъносини билдиради. Бу фикрни атоқли археолог И.Гуломов ҳам қувватлаган. Географ олим Ҳ.Ҳасанов "ҳадра" сўзининг маъносини хон ўрдаси чегарасидаги йўл, ҳад-ди роҳ (йўл чегараси) сўзларидан олинган деб тушуни ради.

Шундай килиб, ушбу фонддаги ҳужжатлар ўша даврнинг социал-иктисодий масалаларига ва Тошкентнинг микротопономикасига оид бой материал ҳисобланади. Бундан ташқари, бу ҳужжатларда учраган материаллар шаҳримизнинг ўтмишдаги тарихий микротопономикасини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Тошкент шаҳрига оид ҳужжатларда учрайдиган жой ва маҳалла номлари кўпинча мазкур маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолининг касб-хунари билан бօғлиқ бўлган. Чунончи, Дегрез, Ўқчи, Кўнчи, Говкуш, Мисгарон каби маҳаллалар. Шунингдек, Кўкча даҳасига оид ҳужжатлардаги Кўнчи маҳалласида яшовчи аҳолининг кўнчилик билан машғул бўлган.

Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивининг бошқа фондларидаги материаллар ҳам фикримизни тасдиқлади, яъни 1872 йилда Кўкча даҳасидаги 4 маҳаллада яшовчи 462 уй əгаси рўйхатга олинган. Шулар ичиди 102 кими əтиқдўз, 7 кими кўнфурш бўлган. Ҳужжатларда Тошкентнинг кўплаб маҳалла ва мавзеларининг номлари ҳам учрайди.

Кўкча ва Себзор даҳаларига оид, ҳужжат ва манбаларда саклашиб қолган ва ҳозирги кунда бошқа ном билан аталадиган баязи маҳалла ва мавзеларнинг

14

номларини қуида келтирамиз. Сабон маҳалласи (хуж.3)³⁸ қадимда Тошкентдаги энг обод ва аҳоли зич жойлашган катта маҳаллалардан бири бўлган. Бу маҳалла шу кунларда хам мавжуд. Мазкур маҳаллада йастри исмли 24-мактаб жойлашган. Ўзганд маҳалласи (хуж.12) хозирги Пахта кӯчасининг юқорисида, I-ўрта мактаб атрофида бўлган. Дамакбоши (хуж.14) аслида Тарновбоши маҳалласи бўлиб, хозир унинг кўп қисми бузилиб кетган, унга етмасдан "Себзор" тураржий массиви бардо этилмисда. Қозикӯча маҳалласи (хуж.15) Лабзак билан Собир Раҳимов кӯчаси оралигига ва хозирги Хуршид кӯчаси территориясида жойлашган. Чигатой чақар (хуж.18) маҳалласи "Чигатой" қабристонига етмасдан сал тепароқда жойлашган. Хозир бу Форсбий кӯчаси территориясида. Тошкентда чақар номи билан аталувчи бир неча маҳаллалар бўлган. Масалан, хозирги Халклар дўстлиги майдонининг боғланишида жойлашган маҳалла ҳам яқин кунларгача Чақар номи билан аталган. Чигатой (хуж.27) маҳалласи худди Сабон маҳалласидек, шаҳарнинг обод ва гавжум маҳаллаларидан бири бўлган. Шаҳарнинг Чигатой дарвозаси қадимда ана шу маҳаллага яқин ерда жойлашган. Лангар (хуж.32) маҳалласи ўша пайтда Кўкча даҳасининг аҳоли зич жойлашган, обод маҳаллаларидан бири бўлган. Хозир бу ерда Марказ-26 ва Марказ-27 тураржий массивлари бардо қилинган. Қўндалакўра мавзеи (хуж.32) Кўкча даҳасига қарашли бўлиб, хозир унинг ўрнида "Октябрь" ва "Назарбек" тураржий массивлари қад кўтарган. Еварик (Ебуариги) (хуж.34) мавзеи шаҳар ташқарисида жойлашган ва Себзор даҳасига³⁹ кирган. Хозир унинг ўрнида "Октябрь" тураржий массиви жойлашган. Ҳовузлик маҳалласи (хуж.35) хозирги Марказ-13 территориясида бўлиб, бузилиб кетган 10 шаҳар касалхонасига яқин ерда жойлашган. Гуручариқ мавзеи (хуж.38) Себзор даҳасига қарашли мавзе. Қорақамиш (Сабон) (хуж.40) мавзеи Кўкча даҳасига мансуб бўлган. Хозир Қорақамиш массиви номи билан аталади. Эскижўва (хуж.43) маҳалласи хозирги Калинин майдони территориясида жойлашган.

³⁸ Ўз ФЛШИ, кўлёзма № 6361, хужмат I.

³⁹ Маллацклий Н.Г. Ташкентские махалля и маузаз, 1915.

Октябрь бозори территорииясига яқин. Кепаксий мавзей (хуж. 45) Күкча даҳасига мансуб бўлиб, Назарбек тураржой массиви яқинида бўлган. Бешёғоч маҳалласи (хуж.53) Ленин комсо-моли номидаги маданият ва истирҳат бояи яқинида жойлашган эди. Ҳозир унинг бир қисми бузилиб, Ҳалқлар дўстлиги хиёбонига қўшилиб кетган. Хўжакўча маҳалласи (хуж.54) Пушкин номли маданият ва истироҳат паркига йўлзак қўчасидан кираверишдаги дарвозаси олдидан бошланиб, Фрунзе номли 14-мактабгача давом этган. Қўштут маҳалласи (хуж.54) ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Сагбон кўчасидан Ҳазрати имомга (Ҳаст -имом) чиқадиган кўчанинг бошланишида. Сўтепа Чигатойи (хуж.55) ҳозир ҳам мавжуд мавзе. Чигатсай қабристони ёнидан ўтиб, Тошкент минерал сувлари санаториясига бориш йўли устида жойлашган. Тўкликаллоб (хуж.53) Сагбон кўчасида, Л.Б.Шастри номидаги 24-мактабга етмасдан кўчанинг чап томонида жойлашган озиқ-овқат магазини ёнидаги кўча ўрнида бўлган. Дегрез маҳалласи (хуж.102) ҳозирда бузилиб кетган; маҳалла ўрнида замонавий Марказ-17 тураржой массиви барпо этилмоқда. Тоштепа мавзей (хуж.103) Нуғойқўргон деб ҳам аталган, Бешёғоч даҳасига мансуб бўлган. Унинг ўрнида Чилонзордаги I2 ва I9 кварталлар барпо этилган. Қорақамиш Сагбони мавзей (хуж. III) ҳозирги Қорақамиш тураржой массиви территорииясига яқин жойда бўлган. Күкча маҳалласи (хуж.II2) ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Тошкент шаҳарининг гарбидаги жойлашган обод маҳаллалардан биридир. Бу ерда 10 мингга яқин аҳоли истиқомат қиласи. Теватортар мавзей (хуж.II3) Күкча даҳасига қарашли мавзе бўлиб, ҳозирги Октябрь массивининг жануби-гарб қисмига жойлашган. Жаарриқ мавзей (хуж.I21) Күкча даҳасига оид мавзе бўлиб, ҳозир Марказ-27 территориясида, Шомаҳмудов ва Оқсой кўчалирига туташган ерда жойлашган. Нодиржонқулоги (хуж.I23, 308) мавзей Күкча даҳасига қарашли мавзе; ҳозирда бу ерда "Октябрь" тураржой массиви қад кўтарган. Қалбелбог маҳалласи (хуж.I24) Күкча даҳасига қарашли бўлган. Сагбон кўчасидаги 24-мактабдан Қўштут маҳалласи томонга борганда Қўмлоқка чиқадиган кўча территорииясида бўлган. Хиёбон маҳалласи (хуж.I26) ҳозирда мавжуд маҳалла бўлиб, Тўкликаллоб

лөб маҳалласи билан қўшни. Пичоқчилик маҳалласи (хуж.140) Октябрь колхоз бозори территориясидаги Каллахона маҳалласига қўшни маҳалла. Собир Раҳимов районидаги 4-поликлиникага яқин ерда жойлашган. Чимбой мавзеи (хуж.141) Кўкча даҳасига қарашли мавзе. Ҳозирги Студентлар шаҳарчаси территориясида жойлашган. Яккақайрагоч мавзеи (хуж.142) Кўкча даҳасига қарашли бўлиб, ҳозир "Октябрь" тураржий массиви территориясига жойлашган. Подахона маҳалласи (хуж.147) Кўкча даҳасига мансуб бўлиб, I-шаҳар касалхонасига етмасдан ўнг томонда, ҳозирги Марказ-26 территориясида бўлган. Торкўча Кўкча маҳалласи (хуж.148) Кўкча мавзеига қарашли маҳалла; йарапикка яқин. Марказ-27 атросфіда жойлашган бўлиб, 35-поликлиника территориясида. Қумлок маҳалласи (хуж.149) – ҳозирги Ҳазрати имом масжидига Корасарий кўчаси орқали боришда Кайковус ариги кесишган жайдада жойлашган. Ҳўжалар маҳалласи (хуж.149) – Қумлок маҳалласига туташ ва унга тобе маҳалла бўлган. Сақичмон маҳалласи (хуж.155) Сабон кўчасида, Собир Раҳимов районидаги 4-поликлиникадан ўтганда чап тарафда, ҳозирги Пахта кўчасига туташган. Ҳалимкуфт маҳалласи (хуж.189) – Қўштут маҳалласидан Ҳазрати имомга чиқаверишда жойлашган, Қилбелбоқ билан ёндош. Инги шаҳар Кўкча (хуж.212) мавзеи. Кўкча даҳасига сид мавзе; ўрнида "Болалар ревмотологик санатория"си жойлашган. Закотхона мавзеи (хуж.219) Себзор даҳасига тегишли мавзе бўлиб, Ингиариқ мавзеидан бир оз гарбда жойлашган (хуж.235). Обиназир маҳалласи (хуж.235) Кўкча даҳасининг йарапик мавзеига туташган жой. Ҳозир Марказ-26, 27 территорияларида. Ҳонақоҳ (Ҳонақоҳ гузар) (хуж.240) маҳалласи ҳозирги Марказ-26 территориясида бўлган. Ҳонақоҳ масжиди . сми билан ҳам машхур. Каллахона маҳалласи (хуж.246) уша даврда жуда обод, аҳоли зич жойлашган маҳалла бўлган, ҳозирги Октябрь колхоз бозори территорияси, Ҳазрати Ҳофиз Кўҳакий (Куйки) (хуж.260) маҳалласи "Коммуна" маҳалласи номи билан аталиб, Форобии кўчасида жойлашган. Аллонота мавзеи (хуж.272) ҳозирги Студентлар шаҳарчасидан таҳминан бир км. шарқда жойлашган мавзе. Форсбий кўчасидан борганда III-мактаб яқинида Аллонота масжиди ҳам бўлган. Чакар маҳалласи (хуж.

287) эски Бешёгоч күчасидаги ҳозирги Ҳалклар дүстлиги проспекти территорииясида жойлашган. Чукур қишлоқ (хұж.294) I-таҳар касалхонаси территорииясида бұлған. Ҳозир бу ерда Марказ-26 турар-жой массиви қад күтарған. Кесаккүргөн маҳалласи (хұж.334) Форсбий күчеси бошланишида ҳозирги Пахта күчасидан кейинги күча территорииясида жойлашган. Бе-закфуруш растаси (хұж.354) Чорсу бозорида жойлашган рас-та бўлиб, унда турли хил безак ассоблари сотилған. Оқтепа Кўкча мавзеи (хұж.357) ҳозирги "Октябрь" массиви территорииясида жойлашган. Олачағуруш растасида (хұж.472) асосан олача ва бошқа матолар билан савдо қилинған⁴⁰. Мисгарлик маҳалласи (хұж.426) ҳозирги "Октябрь" колхоз бозори территорииясида 8-дорихонанинг ёнида жойлашган. Срқакўча маҳалласида (хұж.6) Марказ-ІЗ тураржой массиви қад күтарған. Тахтакўприк мавзеи (хұж.115) Кўкча даҳасига қарашли мавзе бўлиб, эски Қурбақа обод ва Шофайзиқул қызы мавзелари-га яқин жойлашган. Ҳозир Ўйгур күчеси территорииясида. Сархумдон маҳалласи (хұж.133) ҳозирги Марказ-26 территорииясида жойлашган. Айрилиш маҳалласи (хұж.198) ҳозирги Марказ-26 территорииясидаги маҳалла бўлиб, қадимдан обод ва аҳоли зич жойлашган (хұж.220). Қашқар маҳалласи Ўрда анҳори атрасфидан бошланған катта маҳаллалардан бўлиб, ҳозирги Марказ-14 территорииясида бўлған. Қорасув мавзеи (хұж.266) – Кўкча даҳасига оид бўлған мавзе, Оқтепа мав-зесидан бир оз жанубда жойлашган. Ишқоб од маҳалласи (хұж.295) Қаллахона маҳалласига туташған. 8-дорихона ор-қасида бўлған. Учтепа мавзеи (хұж.322) Кўкча даҳасига қарашли мавзе бўлиб, Теватортар ва Қўйбор ариғи оралиги-да жойлашган. Золариқ мавзеи (хұж.326) Кўкча даҳасининг жануби-гарбидаги жойлашган мавзе. Кенгсой Қўйбор ариғи (хұж.293) Кўкча даҳасидаги Учтепа мавзеидан бир оз шарқда жойлашған Қўйбор ариғи территорииясида бўлған. Ҳо-зирги "Октябрь" тураржой массиви территориияси. Кағшфуруш-лар растаси Чорсу бозоридаги сёқ кийимлар сотилға икти-сослашған раста. Чувалачи маҳалласи (хұж.447). Чигитбоши маҳалласидан Күмлөкқа чика берішда жойлашған. Собир

⁴⁰ Озодаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар. Тошкент, 1960, 181-195-бетлар.

Раҳимов райони территорииясида Чувалачи бекати ҳозир ҳам мавжуд.

Қорасарсай⁴¹ маҳалласи ҳозирги Собир Раҳимов кӯчасидаги Фрунзе номли I4-мактаб рўпарасидаги кўчадан кирилиб, то Собир Раҳимов район икроия комитетигача бўлган масофа-да жойлашган. Тешикқўпқоқ - Софийский проспектидан кираверишда, ҳозирги Мевазор массивида жойлашган. Тешикқўпқоқ қабристони ҳам шу ерда. Парчабоғ (хуж. I4) Ҳамза кӯчасида Ҳазрати имом масжидига етмасдан Тилла шайх масжидига ёндош маҳалла. Кадиобод (хуж. 27) Қорасарсай кӯчасидан кираверишда Қумлоққача бўлган кӯча. Қадимда I-2-3 Кадиобод маҳаллалари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда Крупская исми билан аталувчи маҳалла. Кухакота (хуж. 22) - халқ тилида Кохота Тарисвобоши ва Тахтапул маҳаллаларига туғашган маҳалла. Кохота мозори номи билан ҳам машхур. Тахтапул (хуж. 53) Собир Раҳимов номли кинотеатр жойлашган территория. Охунгузар (хуж. 92) Собир Раҳимов кӯчасида бўлган. I-2-3 Охунгузар маҳаллалари мавжуд. Фрунзе номли I4-мактабга яқин. Ўқори ва Қўйи Охунгузар маҳалласи исми билан машхур. Чигитбоши (хуж. 16) Кадиобод маҳалласидан Чувалачи маҳалласига чиқаверишда жойлашган. Стчопар мавзеи (хуж. 85) Ўнусобод массиви территориясида, Алвастикўприкдан ўтилгач, ўнг тарафда, темир йўл линияси бўйлаб, ошқозон-ичак касалликлари санаториясига кетавериш йўлида. Оқ тепа (хуж. I24) Ўнусобод массиви территориясида, халка йўлга чиқаверишда, ҳозирги бензоколонка территориясида бўлган. Алвастикўприк Ўнусобод массивида, I7-шахар касалхонасига етмасдан, бензоколонка яқинидаги кўприк. Ҳозирги телевизион минора қурилаётган ерда. Дабзак маҳалласи Марказ-I3 ва Марказ-I5 территориясида бўлган. Пуштиҳаммом (хуж. 83) маҳалласи Калинин майдонига туташган, 8-туғрукхонанинг оркасида жойлашган маҳалла. Себзор маҳалласи (хуж. 89) ҳозирги Себзор тураржой массивидаги машхур маҳалла. Дархон ариқ (хуж. 94) ҳозирги Ассакинский ва Дархон ариғи бекатлари атрофида жойлашган обид

⁴¹ Узбекистон Марказий Давлат архиви, фонд 365, сп. I. дело 2.

мавзе бүлган.

Ташкенттаги маҳалла ва мавзеларининг ўтмишдаги ва ҳозирги географик ўрнини қиёсий баён қилиниши кундан-кунга түзаллашиб бораётган ода шахримиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

**Муборак Йидановна Юнусходжева,
Улайсун Халиковна Мирисемилова**

**Документы по истории Ташкента
На узбекском языке**

**Ўазекистон ССР ФА илмий-оммабол әдабиётлар таҳрир
хайъети томонидан измурга таодидаланган**

**Муҳаррир А. Комилов
ИБ № 8022**

Босимга руҳсат этилади. 16.ИІ.1983. Р - I8800.
Формати 60x90 I/I6. Кўп чуоҳаде босиш аппаратурни юғози. Нартак
босма л. I,25. Ҳисоб-измиёт л. 0,9. Тиражи 500. Зеказа 526.
Баҳсоли 05 т.

ЎзССР "Фан" измиёти, 700047, Ташкент, Гоголь кўчеси, 70.

ЎзССР "Фан" измиётиниаг босмахонаси, Ташкент, М.Горький прос-
пекти, 79.

Баҳоси 5 т.